

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 5 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Маъсул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Кодирхонов

Маъсул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

ТАҲРИРХАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Ҳакимов, ф-м.ф.д. М.Раҳматуллаев.

Кимё фанлари: акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: - акад. А.Аскарлов, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д. проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: - и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

Фалсафа фанлари: - акад. Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: - акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц. М.Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: - б.ф.д. Г.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари: - п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: *Н.Юсупов, Г.Акматалиева*

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йнгилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишига руҳсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий аскияси ва келтирилган маълумотлар устун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



бўлган содда гапларда кузатилади. Масалан: Унинг дардини енгилатадиган сўзни инсон боласи хали ярата олгани йўқ (С.Аҳмад) гапида иккинчи даражали предикатли унинг дардини енгилатадиган сифатдош обороти иштирок этган. Гапида иккита предикат мавжуд бўлиб, улардан бири, яъни ярата олгани йўқ феъл шакли билан ифодаланган асосий (кесим вазиятида), иккинчиси, яъни енгилатадиган сифатдош шакли билан ифодалангани эса иккинчи даражалидир. Асосий предикат сўзни сўз шакли орқали ифодаланган объект муносабати билан боғлиқ бўлса, иккинчи даражали предикат дардини сўз шакли орқали ифодаланган воситасиз объект муносабати билан боғлиқ. Аммо бу икки объект предикатларга муносабати жиҳатидан айнан ўхшаш бўлса ҳам, уларни бир- бири билан мутлақо тенглаштириш мангикан тўғри эмас. Чунки мазкур предикатларнинг ўзи мавқен жиҳатдан бир- бирига айнан тенг эмас, яъни бири асосий, иккинчиси эса иккинчи даражалидир. Шунинг учун ҳам мазкур гапнинг синтактик тузилишида иккита айнан бир мақомга эга бўлган воситасиз тўлдирувчи мавжуд деб қарашнинг ўзи илмий асога эга эмас.

Англашиладики, гапнинг синтактик тузилишини шакллантиришида моддий восита сифатида хизмат қиладиган морфологик шакиллар бир хил синтактик мавқега эга эмас. Уларнинг бир қисми гапнинг конструктив бўлаги бўлиб келса, айримлари гапнинг эмас, балки унинг қисмининг конструктив қисми саналади. Шунинг учун ҳам синтактик таҳлилда муайян сўз шаклларнинг қандай синтактик мавқе ва вазифада келатганини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Нурмонов А. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича Танланган асарлар III жилд. Т., 2012. 212-224 бетлар. Яна қаранг Храковский В.С. Концепции членов предложения в русском языкознании XIX века // Грамматическое концепции языкознания XIX века.- Л., 1985.-С.124.
2. Нурмонов А. Танланган асарлар . “Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар” III жилд . Тош., “Akademnashr” 221-223 бетлар.
3. Адмони В.Г. Структурно-смысловое ядро предложения // Члены предложения в языках различных типов. -Л., 1972. -С.35-50. Яна қаранг Саидова Р.Х. Предложение в современном русском литературном языке. АҚД. Т., 1975. С. 5.
4. Баскаков Н.А. Простое предложение в каракалпакском языке. Исследование по сравнительной грамматике тюркских языков. III. Синтаксис. М., 1961. С.67.
5. Дмитриев Н.К. Детали простого предложения. Ис. по срав, Гр. тюркских языков. III
6. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки, Т., 1970, 18-20 бетлар.
7. Маҳмудов Н. Функционал ва нофункционал тўлдирувчилар ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти. -1981. 1- сон. - б. 44

РАМЗ ВА АЛЛЕГОРИЯНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Шарипова Дилноза Шавкатовна, катта ўқитувчи

Табиий йўналишларда чет тили кафедраси

Бухоро давлат университети



Аннотация. Мақолада тропнинг кўринишлари – рамз ва аллегориянинг ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, илмий адабиётлар ва изоҳли лугатлардаги талқинлари, адабий асарларда воқеланиши, бадий санъатларни ҳосил этишидаги ўрни кабилар ўрганилган. Унда аллегория дастлаб Шарқ халқларининг бадий адабиётида, сўنгра эса Европа адабиётида юзага келганлиги, у, одатда, икки – семантик ва объектив элементдан ташкил топиши, бадий-эстетик тасвир кучи рамзга нисбатан аллегорияда юқорироқ даражада туриши фактик материаллар билан далилланган.

Таякч тушунчалар: троп, аллегория, семантик, бадий-эстетик, мифология, мажозий, метафора, метонимия, синекдоха, ирония, предмет, тушунча, рамз, воқелик

ВЗАИМОСВЯЗЬ СИМВОЛА И АЛЛЕГОРИИ

Шарипова Дилноза Шавкатовна, Старший преподаватель
Кафедра Иностранных языков по естественным направлениям
Бухарский Государственный Университет

Аннотация. В статье исследуется внешний вид трона - сходства и различия между символом и аллегорией, его особенности, трактовки в научной литературе и словарях, встречаемость в литературных произведениях, его роль в формировании искусства. Фактическим материалом доказано, что аллегория зародилась сначала в художественной литературе народов Востока, а затем в европейской литературе, она обычно состоит из двух - смыслового и объективного элементов, сила художественного и эстетического воздействия в аллегории выше, чем в ней. условное обозначение.

Ключевые слова: троп, аллегория, смысловой, художественно-эстетический, мифология, образный, метафора, метонимия, синекдоха, ирония, объект, понятие, символ, реальность

RELATIONSHIP OF SYMBOL AND ALLEGORY

Sharipova Dilnoza Shavkatovna, Senior Lecturer
Department of Foreign Languages in Natural Sciences
Bukhara State University

Annotation. The article examines the appearance of the trop - the similarities and differences between the symbol and the allegory, its peculiarities, interpretations in scientific literature and dictionaries, its occurrence in literary works, its role in the formation of art. It is proved by factual material that allegory originated first in the fiction of the peoples of the East and then in European literature, it usually consists of two - semantic and objective elements, the power of artistic and aesthetic influence is higher in the allegory than the symbol.

Key words: trop, allegory, semantic, artistic-aesthetic, mythology, figurative, metaphor, metonymy, synecdoche, irony, object, concept, symbol, reality

Кириш. Аллегория қадимги юнон тилига (Γορία) тегишли бўлиб, тушунчаларни бошқа образ ёки тасвир воситасида мажозий маънода бадий акс эттиришдир. Аллегория шеърятда, айниқса, шеърини масалларда кенг қўлланиладиган кўчим турларидан биридир. У мифология асосида пайдо бўлган фольклор намуналарида тасвирий восита сифатида кенг қўламда қўлланилади.



Аллегория бўйича илмий адабиётларда маълум изоҳлар берилган. Масалан, “Аллегория (грекча *allos* – бошқа, *uzga* ва *agoreuo* – гашираман сўзларидан) – аллегория, мажоз. Бадний адабиёт ва санъатдаги тасвирий усуллардан бири бўлиб, ижодкор мажозий образлар асосида асар яратади. Мажозий тасвир жуда ҳам қадимий бўлиб, айрим жанрлар фақат мажоз асосидагина яратилади. Масалан, эртақларнинг маҳсуслари ва масаллар. Мажоз лирикада ҳам кенг қўлланилади. Лирикада мажоз асарнинг бадний қимматини, тасвир кучини оширишга хизмат қилади. Масалан, А.Ориповнинг “Тилла балиқча” шеъри мажозий тасвир асосида яратилган лирик асардир. Айрим сўзлар ва иборалар мажозий маънода қўлланади. Масалан, “тулки” сўзи айёр кишиларга нисбатан, “Қарға қарганинг кўзини чўқимас” ибораси эса характери, маслаги бир хил кишилар бир-бирига зиён етказмайди деган маъносидеда қўлланилади. Сўзларнинг мажозий характерга эга бўлиши метонимия асосида юзага келган.” (26-бет) (Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. -364 б.)

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да аллегория хусусида қуйидаги қисқача тавсиф берилган: “аллегория юн. *allegoria* – ўзгача ифодалаш) Мавҳум тушунча ёки гоёларни аниқ бир образ билан ифодалаш; мажоз. Масалан, бўри сўзининг ёмонлик (ёвузлик), тулки сўзининг айёрлик ифодаси учун қўлланиши.” (73) Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I-V. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008.Т. I. 2006. -680 б. Т. II. 2006. -672 б. Т. III. 2007. -688 б. Т. IV. 2008. -608 б. Т. V. 2008. -592 б.

Аёнки, кўчимлар мазмунига кўра икки гуруҳга ажратилади: содда ва мураккаб кўчимларга. Мураккаб кўчимлар таркибига метафора, метонимия, синекдоха, ирония кабилар киритилади. Ҳамз, аллегория каби мажозий маъноли бирикмалар метафора доирасида ўрганилади. Бироқ айрим илмий адабиётларда аллегорияни метонимиянинг бир кўриниши сифатида белгиланади. Маълумки, метонимик кўчимда тушунмаларнинг ўзаро алоқадорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундан англашиладикки, аллегорияда метонимияга ўхшаган тушунмаларнинг ўзаро боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Аллегория троп сифатида шеъриятда, масалларда, ахлоқий мазмунидаги бадний асарларда кенг ишлатилади. Айтилганидек, у мифологик дунёқараш ва тушунчалар асосида пайдо бўлган ҳамда дастлабки даврда фольклорнинг оғзаки шаклида, кейинчалик эса ёзма шаклида воқеаланган. Бундан ташқари аллегория санъатнинг тасвирий соҳасида ўз ифодасини топган. Аллегория тасвирлашнинг асосий усули бўлиб, у инсоннинг тасаввур ва тушунчаларини умумлаштириш хусусиятига эга. Аллегория нутқ ва тилда ҳайвон, ўсимлик, мифологик ва эртақ қаҳрамонлари, жонсиз нарсалар воситасида образни ифодалашдир.

Метафорада кўчим, асосан, белги, шакл ва вазифа хусусиятига кўра амалга ошади. Улар орасида, илмий тадқиқотларда аниқ факт бўйича келтирилишича, белги асосида кўчган метефоралар кўпчилигини ташкил этади. Бу оғзаки нутқда ҳам, бадний асарларда ҳам яққол ўз ифодасини топган. Эътибор берилса, метафорада кўчим уч хусусият бўйича намоён бўлади. Аллегорияда эса, кўчим учун муҳим хусусият белги ҳисобланади. Бундан ташқари аллегориянинг муҳим хусусияти у кўпроқ матида реаллашади. Метафорага ҳос яна бир муҳим хусусият эса кўчим сўз воситасида ҳам, сўз бирикмаси (ибора, мақол, матал кабилар ҳам) воситасида ифодаланади. Айтилганидек, аллегорияда кўчим мати доирасида воқеаланган. Бундан англашиладикки, метафора билан аллегориянинг умумий



маъно кўчимида ўхшаш хусусиятлар мавжуд бўлиши билан бирга уларнинг маълум фарқли жиҳатлари ҳам кўзга ташланади.

Ўзбек мумтоз адабиётида аллегорияга асосланган жуда кўплаб бадий асарлар яратилган. Улар жумласига Гулханиининг машхур “Зарбулмасал” асарини айтиб ўтиш мумкин. Унинг энг муҳим ижодий фазилати шундаки, у ўзбек халқининг донишмандлигини ифода этган масал ва мақолларни тўплаб, «Зарбулмасал» асарини яратган. Шоирнинг бу асари катта ҳажмдаги масаллардан ташкил топган бўлиб, у Япалоққуш билан Бойқуш орасидаги воқеалар сюжетини асосида яратилган.

Асарда даврнинг энг муҳим ижтимоий масалалари бадий ифодалаб берилган. Мавжуд ҳукумат сиёсий тузилмасининг чириб бориши, кишилар хулқ-атворининг таназули, мамлакатнинг хароб ва вайронлиги «Зарбулмасал» асарида аллегорик образларда таъсирли ифодаланган. Аёнки, мазкур асарда асосий қаҳрамонлар қушлар бўлиб, унда ўзбек халқи учун маълум бўлган деярли барча қуш ва ҳайвонлар тасвирланган. Шоир улар воситасида жамиятдаги у ёки бу инсоннинг қарашлари, хулқ-атвори, табиат-характери ва турмуш тарзини ифода этган. Ўзбек ва жаҳон адабиётида бунга ўхшаш аллегорияга асосланган жуда кўплаб бадий асарлар яратилган.

Аллегорияда аниқ тасаввурлар ёрдамида инсондан бошқа барча жонли ва жонсиз мавжудотларга оид тушунчалар бадий ифодаланади. Аллегорик асарларда мавҳум тушунчалар, чунончи, муҳаббат, руҳ, адолат, уруш, тинчлик, ўлим, йил фасллари – баҳор, ёз, куз, киши бошқалар худди жонли нарсалар сифатида тавдалантирилади. Жонли мавжудотларга хос бўлган фазилат, ҳислат ва ташқи кўриниши мазкур тушунчалардаги алоҳидаликка мос келадиган ҳаракат, кўриниши ҳамда натижалардан олинади. Масалан, жанг ва урушнинг алоҳида кўриниши харбий асбоблар ёрдамида, фасллارнинг алоҳида кўриниши эса уларга мос келадиган гуллар, мевалар ёки касблар ёрдамида бадий ифодаланади.

Аллегория дастлаб Шарқ халқларининг бадий адабиётида, сўنгра эса Европа адабиётида юзага келган. Бу илмий манбаларда далилланган фактдир. Аллегория Шарқ адабиётида алоҳида санъат тури сифатида кенг тарқалган. Мумтоз адабиёт вакилиларидан кўпчилиги мазкур санъат турига мурожаат этиб, таъсирли адабиёт намуналарини яратишга эришган. Илмий манбаларда келтирилишича, қадимда юнонлар ўз худоларини идеалларидан келиб чиқиб, тирик шахслар шаклида тушунган ва тасаввур қилган. Чин маънодаги аллегория юнонларда фақат афсоналарнинг табиий шаклланиши тўхтаган ва шарқ гоъларининг таъсири сезиларли бўлган Искандария даврида пайдо бўлган. Мазкур бадий санъат ўрта асрлар Европа шеъриятида ҳукмронлик қилган. Аллегория мавҳум тушунча ёки ҳодисани аниқ образлар орқали кўчма маънода бадий тасвирлашдир. У, одатда, иккига элементдан ташкил топади:

1) семантик элементдан. Ҳар қандай аллегорик образда билимдонлик, айёрлик, меҳр-оқибат, болалиқ, табиат каби тушунчалар ўз ифодасини топади, бироқ муаллиф уни номламасдан тасвирлашга ҳаракат қилади;

2) объектив элементдан. Ҳар қандай аллегорияда маълум бир объект, тушунча ёки ҳодисани ифодаловчи аниқ предмет мавжуд бўлади.

Аллегорияда предмет ва тушунча ўртасидаги боғлиқлик рамзга қараганда тўғридан-тўғри ва аниқдир. Аллегория қатъий белгиланган объект ёки тушунчани ифодалайди, тасвир билан тушунича, тасвир ва унинг маъноси ўртасидаги боғлиқлик



ўхшашлик билан ўрнатилади. Масалан, яшил новда азалдан дунёнинг аллегорик қиёфаси, болга эса меҳнат аллегориси бўлиб келган. Аллегорияга булардан ташқари қўйидагиларни мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин: маъбуда Темида қўлида қўзлари боғлаб қўйилган ва тарози туширилган аёл сифатида тасвирланган – бу адолат, ҳолислик аллегорияси; И.А.Крилов эртагида "Бўри ва Қўзи" қаҳрамонлари – ҳокимият ва ақамларнинг, ҳокимиятдаги ва бўйсунувчиларнинг, кучли ва кучсизларнинг аллегориялари ва бошқалар.

Рамз аллегориядан фарқли ўлароқ, тасвирланган ҳақиқатнинг турли томонлари билан ўзаро боғлиқ бўлган жуда қимматли ва чуқур мазмунли образдир. Аллегория ҳар доим яширин маънони аңлатади. Рамз эса ички сирни таклиф қилади. Аллегорияда мавҳум тушунчалар ҳеч қийналмай аңлаш мумкин бўлган визуал тасвирлар орқали бадний усул билан тасвирланади. Масалан, Ғарб рассомчилиқ санъатида суратларда тасвирланган ўроқли кекса аёл қиёфаси ўлимни аңлатади, денгизда сузиб юрган кема тасвири эса ҳаётни аңлатади. Аллегория рассом учун ўзига хос восита бўлиб, у томошабинга ўз хис-туйғуларининг чуқур маъносини аллегорик шаклда етказишга имкон беради.

Аллегория тропининг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, у ижтимоий-ахлоқий мавзудаги бадний асарларда кенг қўлланилади. Аллегория мифология замишида пайдо бўлган, фольклорда кенг акс этган ва тасвирий санъатда ривожланганлигини юқорида айтиб ўтдик. Аллегорик тасвирлашнинг асосий усули – бу инсонга хос тушунчаларни умумлаштиришдир. Аллегорик маъно ҳайвон, ўсимлик, мифологик ва эртак қаҳрамонлари, жонсиз нарсалар тасвирлари ва хатти-ҳаракатларида очиб берилади.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, демак, аллегория ҳам, рамз ҳам инкаласи яширин маънога эга тасвирлардир. Уларнинг фарқли жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

1. Ғете улар ўртасидаги биринчи фарқни рамз ифодалайди ва баъзи ҳолларда билдиради, аллегория эса белгилайди, лекин тасвирламайди, деб изоҳлайди.

2. Аллегорик образ қўйинга шарҳ ва изоҳни, бадний асар ёзилган тилни билишни талаб қилади. Рамз эса, аксинча, бирма-бир талқин қилишга йўл қўймайди: у тубдан полисемантик ва қанча талқин қилиш мумкин бўлса, бу тасвир шунчалик чуқур ва бойроқ бўлади. Рамзлар кенг истеъмоллиги нуқтан назардан алоҳида ажралиб туради, улар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий-маънавий ҳаётда ҳам, фанда ҳам, санъат, чунончи, бадний адабиётда ҳам кенг қўлланилади. Рамз бирор гоъ, тушунча, ҳодиса қабиларни ифодаловчи ва эслатувчи шартли белгидир. Рамз учун муҳим белги, энг аввало, шартлилик, образлилик, қўп маънолилиқ, қўчма маънолилиқ, хусусан, метафорикликдир. Рамзлар лисоний ва нолисоний омиллар натижасида пайдо бўлади. Уларнинг лисоний омили асосида шаклланишида тил воситалари муҳим аҳамият касб этса, миллий ўзига хосликлар, урф-одатлар ва тушунчалар эса рамзларнинг нолисоний омили сифатида шаклланишига асос бўлади.

Маълумки, белги инсон онгида ифода ёки рамз тарзида акс этади. Маданият рамзий шакллар тарзида воқелиқда мавжуд бўлади. Рамз фан ва санъатда ўзига хос мазмун касб этади. У фанда, чунончи, математика, тилшунослик ва бошқа фанларда, асосан, белги тушунчасини, санъатда эса образнинг мажозий маъносини ифодалаш мазмунини билдиради. Рамз аллегориядан маълум хусусиятларига кўра фарқ



қилади. Рамзнинг маъноси унинг образи структураси билан ўзаро узвий боғлиқ бўлади, мазмуни эса чексиз кўп маънолилик хусусиятига эга. Рамз моддий нарсалар ва воқеликларнинг белги ёки образ тарзида ифодаланган мазмунидир. Унинг моҳиятини мантиқ доирасида аниқ таърифлаш қийин. У идрок этувчи субъектнинг қизғин фаолиятига мўлжалланган сермаъно тизимдир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, аллегория ҳам, рамз ҳам фақат инсон тафаккурига хос бўлиб, уларнинг иккаласи ҳам тропнинг муҳим кўринишларидан ҳисобланади, иккаласи ҳам яширин маънога эга тасвирлардир, иккаласи ҳам кишиларни бадний-эстетик дидини такомиллаштиришда бирдай аҳамиятлидир. Уларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини шисбий тарзда қабул қилиш керак. Бу шисбий фарқли жиҳатлар кўйидагиларда кўзга ташланади: бадний-эстетик таъсир кучи аллегорияда рамзга қараганда юқорироқ даражада туради; рамз муайян маънони ифодалайди ва баъзи ҳолларда билдиради, аллегория эса белгилайди, лекин тасвирламайди; аллегорик образ кўпинча шарҳ ва изоҳни, бадний асар ёзилган тилни билишни талаб қилади, рамз эса, аксинча, бирма-бир талқин қилишга йўл қўймайди, умумий ҳолатни муайян предмет воситасида яққол ифодалаб қўя қолади. Аллегория ҳам, рамз ҳам муайян халқ маданиятининг таркибий қисми сифатида мавжуд бўлиб, уларни тилшуносликнинг турли аспектларида ўрганиш эҳтиёжи ҳаминша долзарб бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Созина Е.К. Теория символа и практика художественного анализа: Учебное пособие по спецкурсу. –Екатеринбург: 1998.
2. Стояновский М.Ю. Символ в у Вяч. Иванова. Традиция и специфика: Дис. канд. филол. наук. 10.01.01. -М., 1996
3. Тодоров Ц. Теория символа. -М.: 1998, С.191.
4. Пайман А. История русского символизма. -М.: 1998.
5. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I-V. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006-2008. Т. I. 2006. - 680 б.; Т. II. 2006. - 672 б.; Т. III. 2007. - 688 б.; Т. IV. 2008. - 608 б.; Т. V. 2008. - 592 б.
6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. - 320 б.

ИСТОРИЧЕСКИЕ ФОРМИРОВАНИЕ УЗБЕКСКОЙ ОРФОГРАФИИ

Турахўжаева Адибахон Халиллуллаевна

Доцент КГПИ, кандидат филол.н.

Абдуганиева Шодмоной Баходиржон кизи, студентка КГПИ

Аннотация: В этой статье впервые позтанно изучаются этапы развития узбекской орфографии по отношению к истории узбекской письменности. Это раскрывает важные особенности написания каждого периода.

Ключевые слова: орфография, орфография, процесс, арабский шрифт, кириллический шрифт, латинский шрифт, правила правописания.

ЎЗБЕК ОРФОГРАФИЯСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ



	Рахматова ММ	210
42	Шарқ романтизмнинг фалсафий шеърляти- жалолiddин румий ижодида Ўроқова О. Ж	215
43	Шахс экологик маданияти шаклланишида маънавий мерос намуналарининг ўрни ва ахамияти Зоёиров Э. Х, Ғуломов А.Б	220
44	Жадидчилик фалсафасида миллий истиқлол масалаларининг кўтарилиши Тағоева Д.Н	224
45	Замонавий эстетика муаммолари таснифи Арзиматова И. М, Мўминов Ж.М	230
46	Ҳозирги кунда ўқувчи-ёшлар ва ёш авлод тарбиясидаги салбий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш ҳамда уни олдини олиш давр талаби Норбўтаев И.М	233
47	Ёшларда бағрикентлик маданиятини шакллантиришда ворисийлик муҳим омили сифатида Исроилов Б.Э	236
49	Экологик тарбия - олам тарбияси Худайназаров С.Х	242
50	Оилавий тадбиркорликда шахс интеллектуал ва маънавий салоҳиятини ривожлантириш ахамияти Ғаниев Б.С, Ғаниев А.Б.	247
51	Интернетнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида самарали ривожланиш омиллари Аллаяров О.Э., Хамидов А.М.	254

10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES**

52	Ўзбек ва Корейс тилларида флора гуруҳидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий таҳлили Жо Мин Ёнг	260
53	Гап бўлаклари гапнинг конструктив бўлаги сифатида Усмонова Х.Ш	272
54	Ғамз ва аллегориянинг ўзаро муносабати Шарипова Д.Ш	274
55	Исторические формирование узбекской орфографии Турахўжаева А.Х, Абдуганиева Ш.Б	279
56	Analysis of medieval masterpieces Nematillayev A	283
57	Cho'Ip on asarlarida obrazlilik Fayzullayeva O.X, Jalilova Sh. D	285
58	Farida Afro'z asarlarida dialektizmlar ekspressivlik ifodalovchi vosita sifatida Xusanova M.A	289